

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЁДГОР НАСРИДДИНОВАНИНГ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР

Ҳаётова Нафиса Закировна,

“Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

For citation: Nafisa Z. Hayotova. Some drawengs on Yodgor Nasreddinova’s political portrait. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 66-74.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-08>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарихнинг мураккаб даврида ҳаёти ва фаолияти кечган, сиёсий раҳбар, давлат ва жамоат арбоби Ёдгор Содиковна Насриддинованинг сиёсий портретига адабиётлар таҳлили орқали айрим маълумот берилган.

Калит сўзлар: СССР, съезд, ишчилар факультети, коммунист-тик партия, мухандис, Меҳнат Қизил байроғи, совет.

НЕКОТОРЫЕ ШТРИХИ К ПОЛИТИЧЕСКОМУ ПОРТРЕТУ ЁДГОРА НАСРИДДИНОВА

Ҳаётова Нафиса Закировна,

Учительница кафедры “Национальная идея,
основы духовности и правовое образование”

АННОТАЦИЯ

В этой статье содержится информационный обзор о политическом портрете Насриддиновой Едгоры Содиковны, политика и

государственного деятеля, чья жизнь и деятельность прошли в трудные времена.

Ключевые слова: СССР, съезд, рабфак, коммунистическая партия, инженер, Трудового Красного Знамени, совет

SOME DRAWINGS ON YODGOR NASREDDINOVA'S POLITICAL PORTRAIT

Nafisa Z. Hayotova,

Department of “National Idea,

Fundamentals of Spirituality and Law Education”

ANNOTATION

This article provides some information through a literature review on the political portrait of Yodgor Sodikovna Nasriddinova, a political leader, statesman and public figure who lived and worked in difficult times of history.

Key words: USSR, convent, rabfak, communistic party, engineer, Labour Red Banner, soviet

КИРИШ.

Тарихнинг мураккаб ва зиддиятли воқеликлар даврида яшаб, давлат ва жамоат арбоби сифатида фаолият юритган Ёдгор Содиковна Насриддинова нафақат Ўзбекистонда, собиқ СССРда, балки бутун Шарқда парламент раиси лавозимида ишлаган биринчи аёлдир.

Ёдгор Насриддинова 1920 йилнинг 26 декабрида Фарғона водийсининг Қўқон шаҳрида таваллуд топди. Муслмон оилаларда Ёдгор исми одатда оилада фарзанд туғилса вафот этган отаси ёхуд онасининг исмига хотира бўлиб қолган фарзандларга берилади. Ёдгорнинг отаси Содиқ Насриддинов қўқонлик бир бойниниг уйида юк ташувчи бўлиб ишларди. Пахта йиғим терими даврида Содиқ оғир меҳнатдан қаттиқ толиқиб, зах (нами кучли) ерга ухлаб қолиб, ўпкасини шамоллатади. Соғлигини сақлашга моддий имконияти йўқлиги туфайли касалликка чалиниб, уйда ёш пайтида 20 ёшида вафот этади. Турмуш ўртоғи Қумри ая ўша пайтда энди 16 ёшга тўлган бўлиб, турмуш ўртоғининг бевақт ўлимидан сўнг ота уйига қайтиб кетади. [1]

Дунёга келмасидан ўз отасини йўқотган чақалоққа Ёдгор исми қўйилган. Бу мудҳиш воқеаликдан кўп ўтмай Ёдгорнинг бобоси

онасини Қўқон шаҳридан 50 км узоқ масофада жойлашган бир қишлоқлик камбағал йигитга турмушга бериб юборади. Ёдгорни ўғай отаси тайинли бир иш билан шуғулланмас, ҳар қандай баҳоналар билан Ёдгорни уйдан узоқлаштиришга ҳаракат қиларди. Ёдгор 6 ёшга тўлганида “ота”си уни кунларнинг бирида атайин йўл чеккасига ташлаб кетади. Боқувчисиз қолган гўдакни фарзандсиз савоб талаб оила боқиб олади. Тез орада бу янги оилада ҳам фарзанд дунёга келиб, Ёдгорни эса бегона эканлиги билиниб қолади. “Ота”си уни бошқа фарзандсиз оила тарбиясига беради. Бундай ҳолат кейин ҳам такрорланади, ниҳоят 1931 йилда 11 ёшли Ёдгор Ўзбекистонда биринчи бор ташкил қилинган Қудаш қишлоғидаги болалар уйига қабул қилинади. [1]

Болалик йиллари ўксик ва азобли ўтганига қарамай Ёдгор ҳаётда тиришқоқ, тарбияли ва интилувчан бўлиб улғаяди. 13 ёшида Ёдгорни кекса ўқитувчи Кари-Шарли ўз қарамоғига олади ва шу пайтдан бошлаб унинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бера бошлайди. [1]

Кари-Шарли Ёдгор яшайдиган маҳаллада яшарди. “Ота”си Ёдгорни йўл чеккасига ташлаб келганидан кейин, орадан кўп ўтмай икки гўдак фарзанди билан Қумрининг янги турмуш ўртоғи ўз уйдан ҳайдаб юборади. Қумри икки боласи ва Ёдгорни болалар уйдан олиб қишлоғига қайтиб кетади.

Кари-Шарли фарзандсиз бўлиб биринчи бор Ёдгорни кўчада кўриб суҳбатлашганида унга қизчага нисбатан ўзгача меҳр уйғонади. Ёдгорни ўқишга қизиқиши, юксак орзулари, қийинчиликларни ирода билан енгиши оиласига имкон қадар ёрдам бериш истаги, кекса ўқитувчини ҳайратга солади ва унга ёрдам беришга қарор қилади.

Кари-Шарли Тошкент темир йўл транспорт муҳандислик институти қошидаги “Рабфак” [2]да математика ва физика фанларидан дарс берарди. Унинг аёли Мария Константиновна асли Санкт-Петербург (Россия Федерацияси) шаҳрида туғилган бўлиб, машҳур Бестужевский номли аёллар мактабининг тарих йўналишини тамомлаган, узоқ йиллар давомида Шарқда яшаган бўлсада, Петербург руҳияти уни тарк этмаган эди. У тузалмас юрак хасталиги касалига чалингани учун йиллар давомида ишламай, уйдан умуман чиқмасди ва гўшақда ётган тарзда Ёдгорга ижтимоий фанлардан сабоқ берарди. Фарзандсиз бўлган бу оила тез орада қизга меҳр қўйиб уни ёши ва маълумоти тўғри келмасада, Кари-Шарли раҳбариятга илтимос қилиб, Ёдгорни “рабфак” ка жойлаштиради.

Рабфак - Ишчилар факультети бўлиб, СССР даврида Халқ таълими тизимида шакллантирилиб, ишчи ва деҳқонларни олий ўқув юртига кириш учун тайёрлов курси бўлган. Рабфаклар 1919 йилдан 1930 йилларнинг ўрталаригача фаолият юритган. Ёдгор Насриддинова рабфакни тугатганидан сўнг олий ўқув юртига кириб, ўқиш имкониятига эга бўлган.

Хуллас, Ёдгор Насриддинова 1941 йилда Тошкент темир йўл транспорт муҳандислик институтида таҳсилини якунлайди. Унинг меҳнат фаолияти талабалик давридан бошланган эди. Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этган 200 минг киши орасида талабалар ҳам меҳнат қилган. Улар орасида ғайратли бўлган Ёдгор фаол иштирок этади, Катта Қўрғон сув омбори қурилишида ҳам 18 ёшли Ёдгор “прораб” лавозимида ишлайди. Иш жараёнида ўзининг ғоялари ва фикрига эга бўлган Ёдгор Катта Қўрғон сув омбори қурилиш майдончасида қурилиш раҳбари билан фикрлари мос келмайди, ўзаро мунозарада иккала томон ҳам иккала томон ҳам ўз фикрини тўғри деб ҳисоблар, бир-бировларига ён беришмасди. Тажрибали бош муҳандис ёш қизни муҳандис ва раҳбар сифатида қабул қилиши қийин эди. Бир неча соатлик консилиумдан сўнг бош муҳандис бошқа муҳандисларнинг фикрларини тинглаб, Ёдгор Насриддинованинг фикрлари тўғри эканлигини тан олади. [1]

Бир йилдан сўнг Ёдгор Тошкент – Ангрен кўмири йўлининг ётқизирилишида ҳудуд раҳбари сифатида меҳнат қилади. 1939 йилда республика раҳбарияти “Ленин” стипендияти, ташаббускор, комсомол аъзоси, 1500 метрга югуриш бўйича республика чемпиони бўлган Ёдгорга Бутуниттифоқ жисмоний парадига Ўзбекистон номидан иштирок этишига ишонч билдиради. Ўша пайтда катта Кремль саройида меҳмонлар учун базм ташкил қилиниб, И.В.-Сталиннинг ўзи делегат аъзоларини қабул қилади. Барча делегат аъзолари билан кўришиб бўлгандан кейин Сталин нозик ўзбек қизи олдида тўхтади; “Қизча қаерликсан? -Сталиннинг қўли Ёдгорни сочини силаб ўтади. “Ўзбекистонданман, жисмоний тарбия билан шуғулланаман, ишлайман ва ўқийман”. [3] Шунинг ўзи етарли эди, Ўзбекистонда Ёдгор Насриддинова тезда машҳур бўлиб кетади. “Ёдгорга тенглашинг!”- бу сўзлар ҳар бир ўзбек қизининг шиорига айланади. Тез орада Ёдгорни Ўзбекистон МҚнинг биринчи котиби Усмон Юсупов чақириб, уни Ўзбекистон МҚ комсомоли котиблигига тайинлайди.

Олий ўқув юртини битирганидан сўнг Ёдгор Насриддинова Тошкент темир йўл бекатига йўлларни таъмирлаш бўйича муҳандис

сифатида ишга киради. Тез орада унинг ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Унинг меҳнат дафтарчаси ҳар йили янги лавозимга ўтиши муносабати билан ёзилган ёзувлар билан тўлиб борарди. Дастлаб туман комсомоллигига, сўнг шаҳар, сўнг вилоят, вилоятдан республика съездига, съезд уни Марказий Комитетга сайлайди, 1942 йилнинг феврал ойидан 1946 йил январ ойигача МҚ пленуми уни Республика Халқ Таълими тизимида Комсомол комитети биринчи котиби қилиб тайинлайди. 1946 йил январдан 1948 йил мартигача Тошкент вилояти Комсомол қўмитаси биринчи котиби ва 1948 йил октябр ойидан 1950 йилгача Ўзбекистон Комсомол Қўмитасининг иккинчи котиби лавозимида меҳнат қилади.[4] 1950 йил октябр ойидан 1952 йилнинг май ойигача Тошкент шаҳри Ўзбекистон КП Киров тумани биринчи котиби, 1952-1955 йилларда Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазири лавозимида меҳнат қилиб, республикадаги кўпгина қурилиш объектларини барпо этишда бош бўлади. Ёдгор Насриддинова бу соҳадаги 7 йиллик фаолияти давомида қудратли электрстанциялар жумладан, Қайроқ-Қум, Ангрен электр станцияси, янги заводларнинг қурилиши, Чирчиқдаги карбит заводи қурилиши, 1955 йилда қурилган Самарқанд суперфосфат заводининг бунёд этилиши, Республика бўйича янги йўллар, авиалиниялар, газ қувурларининг ётқирилиши, ҳашаматли “Пахтакор” стадионининг қурилиши, Тошкент теле-марказининг бунёд этилишида бошчилик қилади. [1]

Ёдгор Насриддинова бошқа раҳбарларга ўхшамасди. Вазирлик томонидан айтилган ҳар қандай топшириқни мукамал тарзда бажаришга ҳаракат қилар, топшириқ бажарилмаганига қадар, объект қурилиши йўлга қўйилмаганича ўз ишхонасига келиб ҳам ўтирмасди. У уч ойлаб уйига ҳам бормасдан, Республикада мавжуд гишт заводлари, цемент заводлари, шиша заводлари маҳсулотларини тўлиқ сифатини ўрганиб чиқарди. Унинг бундай меҳнат қилиши, жонкуярлиги, уни бошқа раҳбарлардан ажратиб турарди.



Ёдгор Насриддинова 35 ёшида, 1955-1959 йилларда Республика Министрлар Совети раиси ўринбосари лавозимида меҳнат қилади. Усмон Юсупов вафотидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб Шароф Рашидов тайинланади. Шароф Рашидовнинг ўрнига, Ўзбекистон Олий Совети Президумининг раиси лавозимида эса Н.С.Хрушевнинг тавсиясига кўра Ёдгор

Насриддинова тайинланади. Ўз фаолияти даврида 4 маротаба “Ленин” ордени, “Октябрь революцияси” ордени, 2 маротаба “Меҳнат Қизил байроғи” ордени ва бошқа медаллар билан тақдирланади.[5] 1959-1970 йиллар давомида Ўзбекистон Олий Совети президумининг раиси лавозимида меҳнат қилар экан, ўша пайтда ўсиб келаётган саноат, қурилиш ва транспортнинг ишчи ва мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун саноат, транспорт, қурилиш ва алоқа соҳалари бўйича Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини сонини ошириб, ўзбек йигит-қизлардан малакали мутахассислар тайёрлашда эътиборни қаратиб, шу билан бирга у жамиятда аёллар ўрнини оширишга, миллий кадрлар тайёрлаш борасида ўзбек йигит - қизларига амалий ёрдам кўрсатиб келади. [6]

1964 йилда Ёдгор Насриддиновнинг “Ўзбекистон хотин-қизлари” номли китоби нашрдан чиқади.[7] У ўз китобида ўтмишда хотин-қизларнинг аянчли тақдирини, инсоний фазилатларини камситадиган ва ҳақоратлайдиган қалин тўлаш, мажбур қилиб эрга бериш, кўп хотинлик ва шунга ўхшаш ўтмиш қолдиқларини қоралайди ва Ўзбекистон хотин-қизларини озод қилиш учун кураш тарихи фидокор ташкилотчилари Тожихон Шодиева, Жаҳон Обидова, Шамсиқамар Ғойибжонова, Тўраҳон Иброҳимовалар номини кўрсатади. [7] Шу билан бирга республикадаги хотин-қизларнинг эришган ютуқлари, хотин – қизлар ўртасида тарбия ишларини ташкил қилиниши, маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг аҳолига кўрсатадиган хизматини тагин ҳам яхшилашда хотин-қизларни аҳамиятини ёритиб ўтади. Раҳбар аёллардан Республика Олий Суди раиси вазифасига кўтарилган Хадича Сулаймоновани Ўзбекистоннинг фахри эканлигини, жаҳонда мамлакат Олий Судига раҳбарлик қилаётган биринчи аёл эканлигини айниқса ғурурланиб таъкидлайди.[7] Китобда бошқа чет давлатлардаги хотин-қизларининг ҳуқуқлари ва Ўзбекистон хотин –қизлари ҳуқуқларини қиёсий таҳлил қилади ва улар учун яратилган шарт-шароитлар, жамиятдаги аёллар ўрнини кўтаринки руҳда таърифлайди. Шу қатори чет давлатлардаги аёлларнинг ҳуқуқи поймол қилинаётгани, жумладан Буюк Британияда саноатда ишловчи хотин-қизларнинг бир ҳафталик иш ҳаққи эркаклар иш ҳаққининг ярмича ҳам эмаслигини, Японияда ҳам аёллар меҳнатига ҳақ тўлашда ноҳақликлар мавжудлигини, Эрон аёллари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилингани, ҳаттоки эри хотинини сотиб юбориши ва сотиб олиши мумкинлигини,

Туркияда аҳвол янада аянчли эканлигини, мамлакатда кўп хотин олиш расмият учун тақиқланиб қўйилган бўлса-да, жуда кўп эр-каклар бир нечталаб хотин сақлаётганликлари, 13-14 ёшли қизларни сотиш одат бўлиб қолганлигини, сўнги вақтларда бу қизларни тарозига қўйиб сотиш авжига чиққанлигини, тирик қизнинг ҳар килограмми 300-600 лира туришини танқидий баҳолайди.

Ёдгор Насриддинова шубҳасиз ўз даврининг фарзанди эди. У эътиқодли коммунист эди. Коммунизм ғояларига самимий ишонар эди. Коммунистик эътиқод, ягона совет халқи деган тушунчалар фақат давлат раҳбари ва жамоат арбоби бўлган Ёдгор Насриддинова ва унинг сафдошлари учунгина эмас, балки ўша пайтларни бошдан кечирган оддий фуқороларга ҳам ўта табиий бўлиб туюларди. У ўз даврида Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилган раҳбар аёл эди. Ўзининг катта ташкилотчилик маҳорати, амалий тажрибаси ва оқилона иш услуби билан мустамлака тизими ичидан ўзига хос йўлни топиб юриди ва айниқса жамиятда аёлларнинг сиёсий жараёнларга иштирокини қўллаб-қувватлади.

Ёдгор Насриддинова мансаб пиллапояларидан кўтарилар экан, у ўз шахсий ҳаётини ватани равнақи учун аямади. У обрўли рафиқа ва икки фарзанд, Зулфия ва Бахтиёрни онаси бўлсада, оиласини кам кўрарди. Унинг турмуш ўртоғи Сирожиддин Нуриддинович Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Фарғона вилояти коммунистик партиясининг биринчи котиби лавозимида меҳнат қилди. Ёдгор Насриддинованинг асосий вақти давлат хизматида бўлганлиги туфайли, уйда кам бўлсада, уй хизматчисига тайинлаб қўйган эди: “Сирожиддин Нуриддиновичдан хабардор бўлинг, у ҳар доим тоза кийимда ва ўз вақтида овқатланиши керак. Унинг кўринишига қараб, менга баҳо берадилар”. [3] Ёдгор Насриддинова турмуш ўртоғи билан бирга 20 йил яшади, 1966 йилда Сирожиддин Нуриддинович вафот этади.

1970-1974 йилларда Ёдгор Насриддинова Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раиси лавозимида меҳнат қилди. 1974 йилда СССР Президиумининг ўринбосари Подгорний Ёдгор Насриддиновани қабулига чақириб, Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раиси лавозимига иккинчи муддатда тайинлашини сиёсий бюро маъқуллаганини маълум қилади Аммо, Ёдгор Насриддиновани ёқтирмайдиган “рақиб”лари норозиликлари туфайли Иттифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раислигига латвиялик номзодни маъқуллайдилар. Ёдгор Насриддинова эса 1974-1978 йил-

ларда СССР Қурилиш материаллари саноати вазири ўринбосари лавозимида фаолият кўрсата бошлайди.

Ёдгор Насриддинова кўплаб совет раҳбарлари билан меҳнат қилган ва ўз фикрига эга бўлган раҳбар эди. Н.С.Хрушев билан Ё. Насриддинова чет эл сафарларида бирга бўлган, А.Микоян Ё.Насриддиновага ўзининг ёшлиги ҳақида тўлқинланиб гапириб берган, Н.Косыгин уни туғилган кунларига таклиф қиларди, Фурцева уни чет эл сафарларига савдо дўконларини томоша қилишга бирга олиб юрарди. Ё. Насриддинова раҳбарлар билан ишлаш-ни жуда яхши биларди, Марказ билан ҳал қилинадиган масалаларга муносабатларни ўрната билганини, ҳаттоки Ш.Рашидовнинг ўзи ҳам тан олган эди; “Биз эркаклар, бу масалани ҳал қила олмаймиз. Ёдгор Содиковнага топширинг” [3] -дерди.

Ёдгор Насриддиновага “Ўзбек халқининг донишманд онаси” мақоми берилган. У ўз даврининг жонкуяр раҳбари бўлиб, республика суверенитети ўта чекланган бўлсада ва Иттифоқ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатни сўзсиз амалга оширишга мажбур бўлсада ўз халқига қўлидан келганча ёрдам бериб келди.Ўзбек кадрларини кўпайтиришга, таълим сифатини оширишга куч сарфлаб, ноҳақликка учраган ўзбекистонликларга амалий ёрдам кўрсатди. Ёдгор Насриддинова мураккаб тарихий даврда яшади. Шунини тўла ишонч билан айтиш мумкин-ки, у ўз халқининг ва Ватанининг, яшаган тузумининг фидойиларидан эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Старков А. “Ядгар”, “Огонёк”. – Москва:Правда, №50. 1959. – С.10-12. (A.Starkov “Ядгар”, “Огонёк”.Moscow, publishing house “Правда”, №50.1959. – Pages. 10-12.)
2. Рабочие факультеты. БСЭ, 3-е изд.- М.:Сов.энциклопедия,1976- е.21. (Working faculties. БСЭ, third publishing house- М.:Soviet encyclopedia,1976.21.)
3. Мельман Д. Изгнание из хлопкового рая. <https://www.vr.ru> 2005.
- 4.2011-2017-«Помни-Про» pomni-pro.ru.виртуальный мемориал.
- 5.Большая советская энциклопедия. Москва, издательство “Советская энциклопедия”,1974. –С. 913. (Great Soviet Encyclopedia.Moscow, publishing house “Советская энциклопедия”, 1974. – Page. 913.)

6. Дунё ўзбеклари. Аҳмад ҳожи Хоразмий: Ёдгор Насриддинова билан учрашганим тарихи. <https://m.facebook.com.2018>. (Uzbeks of the World. Ahmad hoji Khorazmiy: The story of my meeting with Yodgor Nasriddinova. <https://m.facebook.com-2018>)

7. Насриддинова Ё. Ўзбекистон хотин-қизлари. —Тошкент: Ўзбекистон, 1964. (Nasriddinova Yodgor. O'zbekiston хотин-qizlari. —Tashkent: Ўзбекистон publishing house, 1964.)